11299

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ҚАДРЛИ ВАТАНДОШЛАР! АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси бундан кейин бирон-бир сиёсий партия давлатда ҳокимият ваколатларини бевосита ўз зиммасига олмаслиги керак, деб ҳисоблайди. Партия бирорта ижтимоий-сиёсий кучнинг танҳо ўзи ҳақиқат ва адолатга даъво қилишини, шунингдек, сиёсий можароларни «душман қиёфасини» шакллантириш йўли билан ечиш амалиётини қатъиян қоралайди.

Эркин сиёсий рақобат, қарашлар ва ғоялар кураши демократик сайловларнинг тинч майдонида ўтиши, Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларидаги сиёсий кучларнинг турли фракциялари ва гуруҳларининг ўзаро соғлом мусобақалашуви шаклида бўлиши керак.

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 20 ноябрь, шанба • № 137 (25.532).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Бош тамойил — хавфсизлик йўлидаги ҳамкорлик

Инсоният янги аср, янги минг йиллик арафасида турибди. Бу дамда ҳар ким ортга назар ташлайди, келгуси режаларни тузади. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг йигирманчи юз йилликдаги сўнгги саммитида ҳам чорак аср давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, XXI асрда хавфсизликнинг асосий тамойиллари ва шартлари белгилаб олинди.

ЕХҲТнинг ташкил топишига 1975 йил 1 августда 33 давлат томонидан Хельсинки якуний актининг имзоланиши замин бўлди. Мазкур ҳужжат халқаро ҳамкорликнинг янги тамойиллари пойдеворига асос солиб, унда хавфсизлик, иқтисод, фан ва техника, атроф-муҳит муҳофазаси, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик масалалари қамраб олинган эди. Мазкур ҳужжат асосида пайдо бўлган ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши деб аталганди. Унга аъзо мамлакатлар ўзаро муносабатларида амал қилиши лозим бўлган бош тамойиллар кўрсатиб ўтилганди. Улар қаторида мавжуд чегаралар дахлсизлигининг эътирофи, куч ишлатмаслик ва таҳдид солмаслик, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ҳам ўрин олган.

«Совуқ уруш» якунланиб, жаҳонда интеграция ва ҳар томонлама ҳамкорлик жараёнлари янги поғонага кўтарилгач, мазкур кенгаш доирасидаги муносабатларнинг мавқеи ортди. Шу сабаб унинг номи Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, деб ўзгартирилди.

Юқори даражадаги уступвор йўналишларни белгилаб олишда ташкилотга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашувлари асосий ўрин тутади. Илк саммит 1990 йили Парижда ўтказилиб, янги Европа учун Париж Хартияси имзоланган, ЕХҲТ таркибида бир неча тузилмалар ташкил этилган эди.

1992 йили Хельсинкидаги иккинчи олий даражадаги учрашувда «Ўзгаришлар чақириқлари» деган умумий ном олган ҳужжатлар қабул қилиниб, ЕХҲТнинг кам сонли миллатлар бўйича Олий Комиссари лавозими таъсис этилди. Аҳамиятли томони шундаки, мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон бу саммитда ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этди.

Учинчи саммит 1994 йил Будапештда бўлиб ўтган. Унда янги даврда ҳақиқий ҳамкорликни қарор топтириш, Европанинг келажагини бунёд этишда ЕХҲТнинг ўрни ва вазифалари, можароларнинг олдини олишда ташкилот имкониятларини ривожлантириш, тенгликни сақлашга қаратилган ички операцияларда қуролли кучларни қўллаш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига доир ҳужжатлар имзоланган эди.

1996 йилги Лиссабон учрашувида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ЕХҲТнинг аҳамиятини ошириш масаласи чуқур таҳлил этилиб, Европа хавфсизлик Хартияси тўғрисидаги ғоя илгари сурилди.

18-19 ноябрь кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган ЕХҲТ саммити кун тартибидаги асосий масала — Европа хавфсизлик Хартияси бўлди. Хартия нафақат ташкилотга аъзо 54 мамлакатнинг, балки бутун дунёнинг келгуси асрдаги хавфсизлиги борасидаги муҳим ҳужжат бўлади. Анжуманда биринчи бўлиб сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва интеграция жараёнлари ривожланиши билан баробар, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка қарши янги таҳдидлар пайдо бўлаётган ҳозирги даврда, Хартия — ЕХҲТнинг тутган ўрни ва аҳамиятини ошириш йўлида янги қадамдир.

Бу янги таҳдидлар миллатчилик, сепаратизм, экстремизм ва террорчилик каби кўринишларда жаҳон миқёсида тобора кенг ёйилмоқда. Афсуски, дунёнинг кўпгина минтақалари қатори Марказий Осиёда ҳам бунга мисоллар топиш мумкин.

Ўзбекистон ЕХҲТга аъзо бўлган пайтданоқ, ташкилотнинг тамойиллари асосидаги муайян мақсадларни амалга ошириш йўлида собитқадамлик билан иш юритмоқда. Бироқ, ташкилотнинг бош вазифалари хусусида турли қараш-лар мавжуд. Таассуфки, баъзилар ЕХҲТ ўз номидан келиб чиқиб, айнан хавфсизлик масалаларига бирламчи эътибор қаратиши зарурлигини инобатга олмаяпти. Ахир, тинчлик ва барқарорлик бўлмаган жойда, қандай қилиб инсон ҳуқуқлари ва демократияни тўлиқ таъминлаш, иқтисодий юксалиш ва ҳамкорлик, атроф-муҳитни ҳимоялаш ҳақида гапириш мумкин.

Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг терроризмга қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш ҳақидаги таклифи муҳим ҳамият касб этади.

Айни пайтда, ЕХҲТ шафеъ-лигида минтақамизнинг бой табиий заҳираларидан тўлиқ фойдаланиш, энергетика, транспорт соҳаларини ривожлантириш, экология муаммоларини ҳал этишга қаратилган иқтисодий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Шундагина ташкилотнинг яна бир тамойили — иқтисодий хавфсизлик йўлидаги ҳамкорлик ҳаётга татбиқ этилади.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ўз келажагини демократик давлатлар ҳамжамиятида кўришини ва бу нафақат жамиятимизни демократлаштиришнинг муҳим омили, балки хавфсизлигимизнинг кафолати эканлигини алоҳида таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, ЕХҲТ доирасидаги қарор ва ҳужжатларни тайёрлашда, қабул қилишда, амалий чораларни ишлаб чиқишда мамлакатимизнинг мавқеи ва салоҳияти тобора ортиб бормоқда. Буни ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Норвегия ташқи ишлар вазири Кнут Воллебэкнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари билан учрашуви, Ислом Каримовнинг саммит иштирокчилари шарафига ўтказилган қабул маросимида АҚШ, Франция, Россия президентлари билан суҳбатида кўриш мумкин эди. Саммитнинг барча қатнашчилари мамлакатимиз Президентининг ЕХҲТ фаолиятини, авваламбор, хавфсизлик йўлидаги ҳамкорликка қаратиш лозимлиги ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлади.

Умуман, Истанбул саммитида имзоланган барча ҳужжатлар — Европа хавфсизлик Хартияси, Истанбул Декларацияси, Европада одатий қуролли кучлар бўйича янгиланган шартнома, ЕХҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чоралари бўйича Вена ҳужжати Ғарб ва Шарқнинг улкан қисмини қамраб олувчи ҳудудда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, ҳарбий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий хавфсизликни таъминлашга замин бўлади.

Беҳзод УСМОН,
ЎзА махсус мухбири

Тошкент — Истанбул — Тошкент.

Ватанпарварликка бағишланди

Бола тарбиясида волидаи муҳтараманинг аҳамияти беқиёс. Бу аввало ўз уйига, қолаверса, кўчасию-маҳалласига, она шаҳри, юртига бўлган меҳрнинг уйғонишида она алласидаги пурвиқор маъноларнинг мағзи тўқлигидандир. Яқинда Сирғали тумани хотин-қизлар қўмитаси ана шу мавзуда давра суҳбати ўтказиб хайрли ишга қўл урди. 304-мактабда «Ватанпарвар ёш авлодни тарбиялашда аёлнинг ўрни» мавзуига бағишланган бу йиғинда қарийб 32 маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раислари мутахассис ва фаоллар иштирок этишди. Туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Арипова ўз сўзида ёшларнинг бўш вақтни мароқли ва мазмунли ўтказиш, уларни касб-ҳунарга ўргатиш ҳамда ватанпарвар эл-юрт корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш хусусида фикр билдирди.

Маъсуда ЁҚУБОВА

Террорчиларнинг шахси аниқланмоқда

Янгиобод. (ЎзА махсус мухбири Мусулмон Намозов хабар қилади.) 15 ноябрь куни Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳри яқинида мудҳиш жиноят содир этган террорчиларни қидириш давом этмоқда. Бир ярим минг нафардан зиёдроқ ҳарбий тоғдаги барча йўл ва сўқмоқларни назоратга олган махсус гуруҳлар дара ва унгурларни синчиклаб текшириб чиқмоқда.

Айни пайтда содир этилган террорчилик ҳаракати бўйича жиноий иш очилган. Уни республика прокуратурасининг махсус гуруҳи олиб бораётир. Отишмада ўлдирилган жиноятчиларнинг шахсини аниқлаш чоралари кўрилмоқда. Ҳозирча уч нафар жиноятчининг шахси аниқланган. Улардан бири шу маҳалгача қидирувда бўлган Вячеслав Ким бўлиб, илгари Хоразм вилоятининг Питнак шаҳри яқинидаги божхона масканига ҳужум қилган террорчилардан бири экан. Иккинчи жиноятчининг ёнидан эса Мурат Данаев номига берилган ва Россия Федерациясининг фуқароси эканини тасдиқловчи паспорт топилган. Унинг ҳужжатида Доғистоннинг Кизляр шаҳрида истиқомат қилиши ҳақида белги бор. Учинчи жиноятчи эса Норбек Алламов бўлиб, Хоразм вилоятининг Хива туманида истиқомат қилган.

Бирлашган штаб раҳбарлигидаги ҳарбий кучлар ялпи тозалаш тадбирлари билан бир қаторда, террорчи тўдаларнинг бу манзилда қайта пайдо бўлмаслиги учун зарур чораларни кўрмоқда. Қирғизистон ва Тожикистон республикалари билан чегаралар янада мустаҳкамланмоқда. Операцияга жалб этилган ҳарбийларни иссиқ кийим-бош, озиқ-овқат, зарур миқдордаги ўқ-дори билан таъминлаш масалалари ҳал этилган.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик ҳосил бўлишига йўл қўймаслик ва иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши ҳамда ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш юзасидан вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг иш ҳақи ўз вақтида берилишини таъминлаш ва ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш бўйича ишлари қониқарсиз деб эътироф этилсин.

Белгилансинки, вазирликлар ва идораларнинг, хўжалик юритувчи субъектлар ва хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг биринчи раҳбарлари иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш ва ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб берадилар.

2. Вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари:

бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли бўлинмаларда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳолатини хатловдан ўтказсинлар ва мавжуд қарзларни тўлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрсинлар;

дебиторлик қарзларни ундириш ва ўзларига қарашли корхоналар ва ташкилотларда иш ҳақи бўйича мавжуд қарзларнинг 1999 йил 1 декабргача тўлиқ тўланишини таъминлаш учун ўзларининг бошқа ресурсларини сафарбар этиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан доимий назорат ўрнатсинлар, тўловлар кечиктирилишининг ҳар бир ҳолатини ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича минтақавий комиссиялар мажлисларида кўриб чиқсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси банкрот корхоналарни тугатиш комиссиялари билан биргаликда қарздорлардан маблағларни ундиришни ҳамда молмулкни сотишни жадаллаштириш чора-тадбирларини кўрсинлар, олинган маблағларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзларни тўлашга йўналтирсин.

5. Тижорат банклари:

меҳнатга ҳақ тўлашга йўналтириладиган мақсадли маблағлар ҳаракати ва уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан белгиланган мақсадлар учун қатъий фойдаланилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатсинлар;

иш ҳақи тўлаш учун олинган нақд пул маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланилмасликнинг ҳар бир ҳолати бўйича материалларни мазкур ҳолат аниқланган кундан бошлаб 5 кун мобайнида прокуратура органларига берсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси иш ҳақи бўйича қарзларни тўлашга йўналтирилган маблағлардан мақсадли фойдаланилмаслигига йўл қўйётган хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортилиши устидан назоратни кучайтирсин.

7. Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси:

шаҳарлар асоси бўлган корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзларини белгиланган муддатларда тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича тезкорлик билан аниқ чора-тадбирлар кўрсин ва қарорлар қабул қилсин, маблағлар ҳаракати схемасини белгиласин;

вазирликлар ва идораларда иш ҳақининг тўланишини ҳар ўн кунда кўриб борсин, раҳбарларнинг масъулиятини белгиласин. Чора-тадбирлар кўрилмаган ва маблағлардан мақсадли фойдаланилмаган ҳолларда материалларни айбдорларни жавобгарликка тортиш учун прокуратура органларига берсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси 1999 йил ноябрь-декабрь ойларида жорий иш ҳақи тўлаш ва хизмат кўрсатувчи корхоналар билан режали ҳисоб-китобларни таъминлаш учун пахта етиштирувчи хўжаликларга 2,0 миллиард сўм, «Ўзкимёсаноат» уюшмаси корхоналари ва ташкилотларига — 500 миллион сўм миқдоридаги мақсадли маблағларни махсус траншлар билан ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ходимларга иш ҳақи тўлашга ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланилмаслигига йўл қўйётган корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларини жавобгарликка тортиш бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Б. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 17 ноябрь

Гўзаллик оламига саёҳат

Яқинда Тошкентда эътиборга сазовор воқеа бўлиб ўтди. Косметологларнинг биринчи семинари «Янги минг йилликда юз терисини янгилаш» деб аталди. Уни Ўзбекистон косметология ва сартарошлиқ санъати уюшмаси «Colgate-Palmolive»нинг республикамиздаги ваколатхонаси ёрдамида ташкил этди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикасидаги хорижий элчихоналарнинг вакиллари, мамлакатимизнинг таниқли косметолог ва сартарошлари, ишбилармонлар қатнашишди.

Амалий косметология бўйича Европа кубоги ғолиби Ш. Пўлатов, дерматолог-шифокорлар И.Аҳмедбоева билан С. Қодирова, косметолог Н. Каримов ва бошқалар йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзлашди. «Rosia» гўзаллик ва эстетика марказининг мутахассислари эса соч турмаклаш усуллари ва турли кийимларни намойиш этишди.

Яқин келажакда машиий хизмат соҳасида муҳим ўзгаришлар қилиш кўзда тутилди. Бундан буён кўплаб семинарлар, халқаро танловлар, ярмаркалар, кўргазмалар ташкил этиш мўлжаллаб қўйилди.

Дилнод ЮСУПОВ

Яхши яхшидан сўз очур

Муносабат

Ўзбекистон телевидениесида Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар, ҳокимият органлари, ташаббускор гуруҳлар етакчилари вакиллари иштирокида баҳс ўтказиш мўлжалланган эди. Баҳснинг мақсади сайловчиларни уларнинг сайловолди дастурлари билан таништириш, дастурлар тўғрисида ўзаро фикр алмашиш эди. Баҳс мақсадини кўзда тутиб бу, ҳам хайрли, ҳам сайловчилар учун кимга ва қайси партия номзодларига овоз бериш масаласини ҳал қилишда ёрдам беради, деб ижобий баҳолаган эдик.

Афсуски амалда бундай бўлиб чиқмади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Маънавият ва маърифат» таҳририяти бош муҳаррири жаноб Аҳмад Аъзам микрофонни ўз қўлига олиб, бошқа қатнашчилар ҳам бор эканлигини «эсдан» чиқариб, узундан-узоқ, таъна-дашномлардан иборат маъруза қилиб кетди. Ўзбек халқининг одобахлоқ тажрибасида шундай тажриба бор: агар одамнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, унинг гапига қулоқ сол. Яхши одам дўстлари тўғрисида гап кетганида, уларнинг яхши томонини, ёмон одам эса салбий томонини гапирар экан.

Аҳмад Аъзам Халқ демократик партиясининг кимнинг вориси эканлиги, унинг бугунги кунда корхона, фирма, компаниялар билан ҳамкорликда ташкил қилган 3500 дан ортиқ маънавият ва маърифат хоналарини «қизил бурчак»лар деб атаб нимага эришмоқчи бўлди?! Наҳотки у сайловчиларни шу йўл билан ҲДП номзодларидан айнатиб «Фидокорлар» номзодларига овоз беришга даъват қилмоқчи?!

Президентимиз айтганларидек, ўзбек халқи оқ-қорани танийдиган, яхши-ёмонни фарқига борадиган халқ, наҳотки жаноб Аҳмад Аъзам бу йўл билан ўзини ва у аъзо бўлган партиясининг обрўсига путур етказишини фаҳмламаса?

Шу ўринда жаноб Аҳмад Аъзамга бир савол бермоқчиман: «Фидокорлар» партиясига аъзо бўлгунингизча яна нечта ҳаракат ва партияларга аъзо бўлгансиз? Наҳотки, сизнинг аввал «Бирлик» халқ ҳаракатига, кейинчалик «Эрк» партиясига аъзо бўлиб, қўним билмай, охири «Фидокорлар» партиясига аъзо бўлганингизни халқ билмайди, деб ўйласангиз? Халқ сизнинг «Эрк» газетасининг бош муҳаррири, «Эрк» партиясининг собиқ раҳбари Муҳаммад Солиҳнинг энг яқин маслаҳатгўйи бўлганингизни билмайди, деб ўйлайсизми? Билади.

Дарвоқе, қўним билмаган капалакдан нима кутиш мумкин? Бир қатор партияларда етакчи бўлиб, халққа, партияларга қандай каромат кўрсатди?! «Фидокорлар» партиясидаги фаолияти таъна-дашном, ҲДП шаънига тош отишдан нарига ўтмаяпти, чамаси. Бу фаолият партиялар орасига низо солиб, уларни бир-бири билан уриштириб, томоша қилишга уриниш эмасмикан? Шу йўл билан уларни асосий фаолият йўналиши — сайловолди компаниясидан чалғитишми?

Энг ёмони, бутун бошли Ўзбекистон Телерадиокомпанияси етакчи ходимларининг «Фидокорлар» партиясига аъзо, етакчилари бўлиб олиб, телерадиокомпания имкониятларини партиянинг манфаати учун ишлатаётганидир. Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг номида давлат деган сўзнинг бўлмаслиги — бу компания давлат тасарруфида эмас деганимас!

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси бугун асосан давлат томонидан молиялаштирилиши ва асосий мулк эгаси давлат эканлиги ҳаммага маълум. Давлат ташкилоти барча партияларга, халққа баробар хизмат қилиши керак. Лекин «Фидокорлар» партиясининг Ўзбекистон Телерадиокомпаниясига ўрнашиб олган аъзолари компанияни шахсий компаниялари каби ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Ҳар қандай партия ўзининг дастури, ғояси, низомига эга. Партиялар ўз дастурини халққа тарғибот-ташвиқот қиладилар. Кимга, қайси партиянинг дастури маъқул бўлса ўша партияга аъзо бўлишлари, хайрихоҳлик билдиришлари, сайловларда уларнинг номзодларига овоз беришлари мумкин. Лекин ХДП ҳеч қачон ифлос йўллар билан ўз мақсадига эришиш сиёсатини олиб борган эмас. ХДП мамлакатимизда демократия, қонунни ҳурмат қилиш, халқ турмушини фаровон қилишни ўзининг бош мақсади қилиб белгилаган. Бу йўлдан оғишмай бораверади. Партиянинг фаоллари, аъзолари бу мақсадни амалга оширишда, керак бўлса, жонларини фидо айлаб ҳаракат қиладилар.

Садир САЛИМОВ,
ХДП аъзоси, профессор

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

220 Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2000 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

Партиямизнинг олий мақсади — ҳар бир оила ва меҳнат кишисининг, уларнинг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъи назар, моддий ва маънавий фаровон ҳаёт кечириши учун тенг имкониятлар яратиш, кишиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва инсоний эркинликларини кафолатлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини,тинч ҳаёт кечиришини ишончли ҳимоя қилишдан иборатдир.

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан)

ХАМИДОВА Матлубахон Абдурахмоновна

82-Поп сайлов округи

Ҳеч тишингиз оғриганми? Асло бошингизга тушмасин. Ейиш-ичиш, сўзлаш тугул дунё кўзингизга тор кўриниб кетади, бу пайтда. Бахтимизга шифокорлар бор!

Попликлар «Дўхтир опа ёрдам беринг», дея мурожаат қиладиган туман стоматология поликлиникаси бош ҳакими, 1971 йилдан буён шу соҳада касби орқали эл назарига тушган, обрў топган, ХДП аъзоси, тажрибали врач терапевт-стоматолог Матлубахон Хамидова ана шу дардга малҳам топгувчилардан.

Тошкент давлат тиббиёт институтини тугаллаб, 1971 йилдан бери Попда шифокор.

Ўтган йиллар бесамар кетмади. Самимийлик, ширинсуханлик, камтарлик унга ҳурмат олиб келди. Туманда марказий стоматология шифохонаси ташкил этилганда, бош ҳакимликка Матлубахонни тавсия этишди.

Ҳозир ўзи раҳбар бўлиб ишлаётган поликлиника қурилишини елиб-югуриб битказдирган. Эсида: бир қўлида бола, бирида қурилиш ҳужжатларини кўтариб Тошкентга йўл олганди. Талашди-тортишди, ишқилиб янги бино қуриш учун рухсат олди.

Туман ҳудудининг катталиги боис кейинги йилларда 16 жойда стоматология кабинетлари ташкил этилди. 2 та кўчма тиш даволаш амбулатория машинаси сотиб олинди ва аҳолига қулай бўлди.

— Матлубахоннинг номзоди жуда тўғри танланган, — дейди вилоят стоматология поликлиникаси бош ҳакими Шарифжон Тиллабоев. — Биз келадиган меҳмонларга Поп стоматология поликлиникасини ибрат қилиб кўрсатамиз. Ҳозирда Матлубахон ўз шахсий жамғармасидан стоматология сервис дўкони қурмоқда. Яқин кунларда у ишга тушгач, беморларга катта қулайликлар яратилади.

Дарҳақиқат, 1983 йилдан буён опа бош бўлган шифохонада бир неча бор республика ва вилоят миқёсида кўргазмали семинарлар бўлиб ўтди.

ТУРҒУНОВ Мамат Таджимирзаевич

91-Бобуршоҳ сайлов округи

Ватанпарварлик ўз ўлкасини ўрганишдан бошланади, деган гап бор. Албатта, бунда аввало ўлканинг тарихини ўрганиш назарда тутилади. Наманган педагогика билим юртидаги фаолияти билан эътибор қозонган домлани 1987 йилда вилоят ижроия қўмитаси архив бўлимининг мудири вазифасига тайинлашди. Сўнг Наманган шаҳар халқ таълими бўлимида меҳнат қилди. Унинг ташкилотчилик, таъсир ўтказа билиш қобилиятини ҳисобга олиб, вилоят ижроия қўмитаси котибияти диний ишлар сектори мудири вазифасига тайинлашди. Мамат домла таъсирчан, ибратли тадбирларни амалга оширишга ҳисса қўшди.

Тўрт йилдирки, Мамат ака «Маҳалла» хайрия жамғармаси Наманган шаҳар бўлимига раислик қилмоқда. Унинг ташаббуси, жўяли таклифлари билан маҳалла фуқаролар йиғинларида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жамоат ташкилотларининг эътибори, амалий кўмаги билан маҳаллаларда кўркам гузарлар қад кўтарди. Юзлаб янги ишчи ўринлари яратилди. Ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шароит яратиш, турли танловлар, спорт мусобақалари ташкил этиш каби ишлар анъанага айланди.

Мамат Турғунов аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласига жиддий эътибор бериб, боқимандалик иллатига кескин зарба берди. Қаерда, қайси масалада бўлмасин ўзбекона ориятни биринчи даражага қўяди.

РАПИКОВ Юлдашбай

83- Чуст сайлов округи

Олмос қишлоғини Хитойга қиёс қиладилар. Ҳа, чиндан ҳам аҳолиси кўп. Авжи экин-тикину парвариш мавсумида вилоятнинг қайси туманида бўлмасин энг баравж полиз ва пайкал бошига бориб деҳқонини сўрасангиз Олмосдан келган миришкор-да, деб жавоб беришади. Юлдашбай ака Рапиков ана шу 30 минг кишилик қишлоқдан.

Тошкент политехника институтини тамомлагач, дастлаб Чуст электрон техника, Олмос «Хлопкомашзапчаст» заводларида уста, муҳандис, директор вазифаларида ишлади. Суяги пахтазорда қотган деҳқон фарзанди эмасми, жамоа хўжалигига раҳбарликка таклиф этишганида иккиланмай ўтди.

7 йиллик хўжалик раҳбарлигидаги фаолият уни пишитди. Ғарчанд миришкорлари унча-мунча ишни қойиллатиб уддалашса ҳам барибир зиммасидаги юкнинг залвори бошқа. Андижон пахтачилик институтида сиртдан ўқишига шу масъулият сабаб бўлди.

Туман кенгаши ижроия қўмитаси раиси лавозимида кечган фаолияти давомида Юлдашбай ака одамлар билан ишлашнинг нозик қирраларини чуқур илғади.

«Олмос» деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасини ўзгача ишонч билан бошқаришга киришди.

Унинг ғайрати, ташаббускорлиги билан фермер хўжаликлари 30 тага, деҳқон хўжаликлари 350 тага етди. 100 га яқин кичик хусусий корхоналар фаолияти йўлга қўйилди.

Уюшмада ҳар йили пахта, ғалла, пилла, сабзавот, чорва хуллас, барча тармоқ режалари ошириб уддаланиб келинмоқда.

Вилоятда пахтачилик оқсаб турган бу йилги шароитда ҳам олмосликлар 2262 тонна ўрнига 2275 тонна юқори сифатли пахта хирмони уйдилар.

УСМОНОВ Мухторхўжа Мухамедович

87-Мингбулоқ сайлов округи

«Мухторхўжа ака Мингбулоқ туманига ҳоким бўлганмиш», деган хушхабар тарқалди. Мухторхўжа акани таниганлар «Яхши инсон, муносиб танланибди, туман энди раҳбарга ёлчибди», — демоқда.

Дарҳақиқат, касби муҳандис бўлган М. Усмоновнинг ҳокимликка танлангани бежиз эмас. Аввало, у мазкур туманда ўн йилдан ортиқ турли вазифаларда ишлаган, ҳалол меҳнати, ташаббускор ва ишчанлиги орқасида 1993 йил вилоят «Ўзқишлоқхўжтаъминоттаъмир» бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари этиб ишга олинган эди. Орадан икки йил ўтиб М. Усмонов «Наманганагромашсервис» бирлашмаси раиси бўлди.

Вилоят қишлоқ хўжалигидаги техникаларнинг деярли яроқсиз ҳолда экани Мухторхўжа акадан тинмай меҳнат қилишни тақозо этарди. Эскини тузаб эсинг кетар, деганларидек мавжуд техникалар таъмиридан кўра янгиларини олиб келишга интилиш кучайди. Ўнлаб «Кейс» комбайнлари, «Магнум» тракторлари сотиб олинди. Бу техникага сервис хизмати кўрсатадиган бир неча жойда махсус устахоналар ишга туширилди.

Раҳбарда масъулият юқори бўлиши керак, деб ҳисоблайди Мухторхўжа ака. Акс ҳолда ишингда барака бўлмайди.

Яқинда Мухторхўжа акага яна ишонч билдиришди, вилоятнинг энг оғир туманига бош раҳбар бўлди. Тумандагилар ундан умидвор: ишлар юришиб кетади, янгиликлар, яхшиликлар, ёруғ кунлар янада юз очади. У кишига сиёсий курашларда ҳам муваффақиятлар ёр бўлсин.

РАХИМОВ Найимжон

92-Сардоба сайлов округи

«Олий ўқув юртларига контракт асосида ўқишга кириб, белгиланган пулни тўлолмай, ноилож ўқишдан кетиб қолаётган ёшларга узоқ муддатли тўловни ташкил этиш йўллари излаб топилса, айни муддао бўларди».

Наманган Давлат университети ректорининг илмий ишлар бўйича муовини, физика, математика фанлари доктори, профессор Найимжон Рахимов депутатлик ваколатига эришса бу каби халқ дардига айланган масалаларга астойдил эътиборни қаратмоқчи.

Дарвоқе, Найимжон Рахимов деҳқон фарзанди, Наманган туманининг «Ирвадон» қишлоғида туғилиб ўсган, оиланинг тўнғичи. Мактабни олтин медаль билан тамомлаб, Тошкент Давлат университетининг физика факультетига ҳужжат топширди. Университет ўқитувчилари имтиҳон жараёнидаёқ уни математика факультетига таклиф этишди. Йўқ, у ўша орзуси Ўлмас Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин» асари қаҳрамонидек физик бўлиб, Ленинградга бориши керак. Учинчи курсдан олий стипендия соҳиби бўлиб, имтиёзли диплом олган Найимжон «Низомий»да иш бошлади. 1975 йили Ленинградга — аспирантурага йўл олди.

8 йил Тошкентда, 10 йил Ленинграддаги изланишлари осон кечмади.

20 йилдирки, у НамДУда. 1979 йилда номзодлик, 1988 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Бу борада энергетика, қуёш энергиясидан фойдаланиш муаммоларига бағишланган ўндан зиёд ихтиро ва монография, ўқув қўлланмалари яратди.

Н. Раҳимов ХДП аъзоси сифатида фаол. 1995 йилдан вилоят партия кенгаши ижроия қўмитаси, шу йилдан ЎзХДП Марказий Кенгашининг аъзоси. Номи ЎзХДП МКнинг «Эҳтиром китоби»га киритилган. Илмий изланишларнинг натижаси сифатида «Устоз» жамғармаси совриндори бўлди.

ДЖАМАЛОВ Азамат Бадриддинович

84-Камарсада сайлов округи

Азамат ака Попда туғилган. Киндик қони томган гўша инсонга муқаддас. Шу боис Азамат ака водийга интиқ яшайди.

Ҳаётини юртимизда ёғ-мой саноати ривожига бахшида этган Азамат ака ўтган йиллардаги мазмунли ҳаётидан рози. Аслида у иш фаолиятини Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимкомбинат»да аппаратчиликдан бошлаган. Сўнг Тошкентдаги «Металлобытремонт» комбинатида методист бўлиб ишлади. Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетини битиргач, Тошкент ёғ-мой комбинатида иш бошлаган А. Джамолов смена бошлиғи, бош технолог бўлди, маргарин цехини бошқарди, раҳбар муовини вазифасида ишлади. Уч йил комбинатга раҳбарлик қилди.

Халқ хўжалиги академиясида таҳсил олган даври, республика озиқ-овқат саноати ташкилотларидаги фаолияти ҳам Азамат акага ҳаёт мактаби вазифасини ўтади.

Уч йил бўлди, Азамат ака республиканинг йирик ташкилоти — «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасини бошқармоқда. Аҳолининг истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини тўла ва сифатли қондириш йўлида изланиш депутатликка номзоднинг кундалик юмушига айланган. Хориж инвесторларини соҳага кенг жалб этиш, қўшма корхоналарни кўпайтириш орқали дўконларни тўлдириш аниқ режалар асосида олиб борилмоқда.

Техника фанлари номзоди Азамат Бадриддинович соҳа ривожи илмий ёндошувлар, илғор технологияларни пухта ўзлаштиришда эканлигини яхши англайди.

ДОМЛАШАЕВ Нематхон Хамрохўжаевич

88-Косонсой сайлов округи

— Агар Олий Мажлис депутатлигига сайланиб қолсам, — дейди Нематхон ака — Ўзбекистон ХДПнинг дастурий ғояларидан келиб чиқиб фаолият юритаман. Қишлоқ жойларида айниқса, иш ўрни муаммо. Бу масалани кечиктирмай ҳал этиш зарур. Ёшлар таълим-тарбиясини талаблар даражасида ташкил этиш учун энг аввал, ўқитувчилар нуфузини ошириш керак.

Нематхон ака кўпни кўрган киши. Ўрта мактабдан кейин оддий ишчи, ҳайдовчи сифатида фаолият кўрсатган. Савдо иқтисодчиси мутахассислигини Тошкент халқ хўжалиги институтида олди. Хўжаликда ҳисобчи, режалаштирувчи вазифаларида ишлади. Ҳисоб-китоб мураккаб иш. Ҳар ҳолда чўтни қоқиб рақамни-рақамга уриштириш оддий жараён эмас. Ҳисобчи, иқтисодчи моҳир бўлса жамоага яхши. Нематхон ака туман савдо корхонасида ҳисобчилик қилди. Наманган кооператив билим юртида ҳисоб илмидан дарс берди, обрў топди. «Гулистон» матлубот жамияти раисининг муовинлигидан туман ободонлаштириш корхонасига раҳбар этиб ўтказилди. Бу йиллар Нематхон аканинг ташкилотчилик қобилиятини чарҳлади.

У асосан янги ташкил этилган жамоаларда ишлади, оёққа турғазди.

Косонсой туманидаги «Косон» қишлоқ фуқаролар йиғини раислиги Нематхон ака зиммасига янаям катта вазифаларни қўйди. Қисқа вақт оралиғида қишлоқда енгил саноат лицейи очилди. «Олмазор» маҳалласида тарифи тилларга тушган кўркам гузар қурилди.

Н. Домлашаев айни пайтда касаба уюшмаси раиси, партия ташкилоти котиби каби жамоатчилик юмушларини ҳам қойиллатиб уддалаяпти. Феълидаги қуйди-пишдилик, атрофдагиларга мехрибонлик эътиборсиз қолмади, ишонч бўлиб, ҳурмат бўлиб қайтди.

ҒАФФОРОВ Абдураим Жамолиддинович

93-Тошбулоқ сайлов округи

Тафтишчига сўроқ бераверибми, хўжаликда ҳисобчи бўлиб ишлаган киши етти ўлчаб бир кесадиган, «каттиқ» бўлиб кетаркан. Тошкентда олий маълумот олиб қайтган Абдураим ака 28 йил чўт қоқди. Шундан кейинги 21 йили бош ҳисобчиликка тўғри келади. Ишлаганда ҳам фақат бир жойда «Ирвадон»дан четга чиқмади.

У раислик қилаётган Наманган туманидаги «Ижодкор» агрофирмаси Наманган шаҳри «биқинида» жойлашган. Атиги 822 гектар ҳайдаладиган ери бор. Шундан 455 гектарига пахта экилади. Хўжаликда ўз номига яраша ижодкорлик қилинмаса бўлмайди. Шу боис ҳамма изланишда. Пахтадан тортиб, ғалла ва бошқа соҳалар туманда фақат биринчи бўлиб бажарилади.

Агрофирманинг пиллани қайта ишлаш заводи бор, «кумуш тола»ни бировга сотишмайди. «Шифо» номли минерал сув қуйиш, вино қадоқлаш, ёғ заводларига эга. Тегирмон, обжувоз, турли устахоналар, аҳолига бошқа хизмат турлари ҳар қадамда. Бу йилдан агрофирмага янги тармоқ қўшилди. Оралиқ экинларнинг уруғини етиштиришга киришишди.

Бироқ, агрофирма раиси Абдураим ака Ғаффоровнинг кўнгли тўлмайди. «Муаммо кўп, уларни ҳал этиш керак, — дейди у. — Хўжалик ўзи ишлаб топган пулга ўзи хўжайин эмас. Ҳатто обуна учун ҳам маблағни минг гап-сўз билан ажратиб оламиз. Мен пахтага иш ҳақини парвариш давридан бериш тарафдориман. Чорвани бой беряпмиз, ун комбинатларидан омухта ем олиш азоб. Қишлоқ хўжалигини давлат миқёсида ривожлантириш чораларини қидириш керак». Абдураим ака бундай изланишларни ўзи учун шараф, деб билади.

КАРИМОВ Адҳамжон Ҳакимжонович

85-Тўрақўрғон сайлов округи

1994 йилнинг кеч кузида 1-ўрта мактабда «Ўқитувчи-94» кўрик-танлови ўтказилди. Меҳнат таълими ўқитувчиси Адҳамжон Каримов ҳамкасблари ўртасида биринчи ўринни олиб, ишонч қозонди. Танловнинг туман, вилоят босқичларида ҳам унга мутлақ ғолиблик насиб қилди. У танловга тайёргарлик жараёнида билимларини текшириш ва баҳолашнинг электрон аппарати «Т ва Б-4»ни кашф этди. Бу электрон аппарат кўрик-танловнинг сўнгги босқичида республика ўқув маркази томонидан юқори баҳоланди. Фахрли ўрин сохибига «Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси» унвони берилди.

— Мени танлов кашф этди, десам янглишмайман, — дейди Адҳамжон.

Дарҳақиқат, танловдан кейин кўп ўтмай тумандаги 1-ўрта мактабга директор этиб тайинланди. Ўтган йиллар унинг ташкилотчилик қобилиятини янада чарҳлади.

Директорнинг изланишлари, туман раҳбарларининг кўмаги натижасида мактабга компьютер, лингафон келтирилди. Математика, инглиз ва немис тиллари чуқурлаштириб ўқитилмоқда. Ўтган ўқув йилида олийгоҳларга ўқишга қабул қилинган мактаб ўқувчиларининг 19 нафари энг юқори баллар тўплашгани ҳам мактаб жамоасининг ютуғи.

Бугун 1-ўрта мактаб банкда ўз ҳисоб рақамига эга, тадбиркорлик фаолиятини изга солган аҳил жамоага айланди. Тегирмон, жувоз ишлаб турибди. 2 гектар ердан олинган 10 тонна макка дони ҳам мактабга даромад.

Бу ишларнинг барида албатта мактаб директорининг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги, ғайратшижоати турибди.

УБАЙДУЛЛАЕВ Абдурашид Яхъяевич

89-Дўстлик сайлов округи

Пештоқига «Намангантекстиль» ҳиссадорлик жамияти деб ёзилган корхона дарвозасидан киришимиз билан кадрлар бўлимида узундан-узоқ навбатда турган йигит-қизларни учратдик.

—Нима ҳаракат?

—Ишга қабул қилишяпти. Янги фабрикага 100 нафар тўқувчи керак экан. Автобус олиб борса, ишхонаси-ю, шифохонаси ўзида бўлса, энг асосий ойлик маошлари ойма-ой тўлаб борилаётган бўлса, яхши-ку, — фикрлашади улар.

Корхонанинг обрўси кўп жиҳатдан раҳбарга боғлиқ. Агар у самимий, дилкаш, тадбиркор бўлса обрўси ошади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олийгоҳини тугатиб мана шу жойда оддий усталикдан иш бошлаган Абдурашид Убайдуллаев бугун унинг раҳбари. Гапнинг очиғи, унинг ҳақиқатгўй, чўрткесарлиги бошида унча-мунча маломатларни ёғдирди ҳам, аммо ўзи учун эмас, жамоа манфаатини ўйлагани боис у кунлар эртакка айланди. Бугун «Намангантекстиль» тўқимачилари ўзлари танлаган раҳбар билан ишлашмоқда.

— Абдурашиднинг келбати ҳам, тутуми ҳам худди буюртма бергандек, — дея таърифлашади уни.

Катта жамоа, яъни 6909 кишини иш билан таъминлаш, рўзғорини бут қилиш осон эмас. Шуларнинг 4326 нафари аёллар. Абдурашид акада ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Нима қилса яхши ишланади-ю, нима қилса яхши яшалади. Айниқса, хотин-қизларга эътиборни кучайтириш зарур. Чунки улар она, уй бекаси... Дарвоқе, жамоада ўндан ортиқ миллат вакиллари бор. Аммо барининг дили бир, нияти холис. Шундай соғлом муҳит янги-янги ютуқларга элтмоқда.

АБДУЛАЗИЗОВ Икромжон Иззатиллаевич

94-Уйчи сайлов округи

Шиори: Инсонга наф келтириш — олий бахт.

Мақсади: Мустақилликни амалда мустаҳкамлаш йўлида ҳалол меҳнат қилиш.

Олий Мажлис депутатлигига номзод Икромжон Абдулазизовнинг дастуридаги бу орзу-муродлар аслида унинг ҳаётий қоидалари ҳам.

Тошкент политехника институтини 1979 йилда тамомлаб келган Икромжонни дастлаб, оддий ишчиликка қўйишди. Кам гапириб, кўпроқ иш қиладиган йигитча тез назарга тушди. Уста, иш юритувчи, муҳандис бўлди. 1991 йилда у 138-хўжаликлараро кўчма механизациялашган жамланмага бошлиқ бўлди. Бошлиқ бўлдию жамоани яқдил қилди. 1994 йилда Икромжон Абдулазизовни туман ҳокимининг қурилиш бўйича ўринбосарлигига кўтаришди.

Шароф Рашидов номли жамоа хўжалиги кейинги йилларда «ўтирди», ҳатто санацияга тушди. Шу хўжаликка пишиқ раис керак бўлди-ю раҳбарлар Икромжонда тўхташди. Ўтган икки йилда раис жамоани аниқ мақсад сари йўналтира олди. Ғалла, пахта режалари ортиғи билан бажарилди. 125 гектар ер капитал текисланди. 12 та насос ишга тушди. Қилинган ишларни сарҳисоб қила туриб Икромжон ака ҳайратини яширолмади:

— Одамларимиз бозор иқтисодиётига мослашиб қолди. Илгари томоркасига қараб-қарамайдиганлар энди йилига уч мартагача ҳосил оляпти. Бу фаровонлик, яхши яшашга интилиш-да.

Тўғри айтади, раис. Меҳрибон, доно ишбошилар бўлса, тоғни талқон қилишга қодир халқ. Икромжон ака ҳам шу халқ фарзанди.

АБДУРАХМОНОВ Умаржон Эшондадаевич

86- Шаҳанд сайлов округи

Тўрақўрғонда «Шаҳанд» деган бир қишлоқ бор. Обод қишлоқ, одамлари хокисор. Қайси хонадонга кирсангиз, бешик ясаётган бўлади, ё эшик, ё ошиқ-мошиқ, ё қошиқ, ҳолваю пашмагини татиб кўрсангиз, асал ялагандек бўласиз.

Умаржон Абдурахмонов шу қишлоқ фарзанди. 1973 йида Тошкент халқ хўжалиги институтининг ҳисобчи-иқтисодчилар тайёрлаш куллиётини тугатган. Асосан ёшлар билан ишлади. Тумандан вилоятга, вилоятдан республикага кўтарилди. Жиззахда ишлаб келди.

Мана,1992 йилдан бери «Шаҳанд» қишлоғидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида раис. Ҳар йили барча соҳаларда, хусусан пахтачиликда режа ўринлатиляпти. Бу йил ҳам маррага барвақт етиб келинди.

— Узоқ йиллар асосан қишлоқ ёшлари билан ишлаганман, — дейди у. — Ниятларим, орзу-истакларимни рўёбга чиқариш вақти келди. Президентимиз ҳам ёшларга ишониб турган бир пайтда, биз қўл қовуштирмаслигимиз керак.

Номзоднинг сайловолди дастури қишлоқ ҳаётини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш каби эзгуликларга бағишланган.

— Сайлансам ҳам, сайланмасам ҳам шу режаларимни қишлоғим, қишлоқдошларим учун амалга оширишим шарт. Бу менинг фарзандлик бурчим, — дейди номзод.

АДАШЕВ Махмуд Салиевич

90-Наманган сайлов округи

Ҳар қандай фарзандга отаси билан фахрланиб юриш насиб этсин, Махмуд акага ўхшаб.

Олий маълумот олгунча ўйлаб кўрмаган экан, энди Қаҳрамоннинг ўғли бўлишнинг ўзига яраша масъулияти ҳам бор экан. Наманган «Электротерм» бирлашмасида оддий усталигида шу масъулият сабаб Маҳмуджон тиришиб меҳнат қилди. Ғайратли, интизомли йигитча икки йилда пишиқ муҳандисга айланди. Орадан 3 йил ўтиб таъмир заводига директор бўлди. Ихтирочилик, изланишга ўч ёш раҳбар тезда корхонани оёққа турғазди.

Албатта, ҳар қандай жамоада ҳам иш ўз-ўзидан бўлиб кетавермайди. Раҳбар зукко, атрофидагиларга қайишадиган, самимий, айни вақтда талабчан бўлсагина одамлар ҳурматига сазовор бўлади. Ўн йил бўлди, Махмуд Салиевич «Наманганагромаш» акциядорлик жамиятида етакчи. Асосан тажриба заводи ҳисобланган, янги техника ва технологияларни яратадиган корхона қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш йўлида иш олиб борилмоқда. Жумладан, вилоятдагилар қишлоқ хўжалик техникаларига эҳтиёт қисм қидириб юришдан халос бўлганлар. Шу йилдан бошлаб корхонада «Магнум» тракторларига осадиган махсус механизм яратилди. Бу механизм бир йўла чизель, борона ва мола вазифаларини бажара олади.

Корхона тўхтовсиз ишлаши учун ҳозир Челябинскда ўз филиалини очган, ноёб пўлат металлар ўша ёқдан келтирилмоқда.

Наманганликлар ўз номзодларини яхши танишади ва билишади.

МАНСУРОВ Зиёвиддин

95-Ўнҳаёт сайлов округи

Наманган Давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олиб қайтган Зиёвиддинни ҳамқишлоқлари катта умидлар билан қарши олишди. Ўрта мактабда адабиёт фани муаллими бўлиб ишласа-да, Зиёвиддинда шундай иқтидор, салоҳият бор эдики, давраларда сўзга чиқиб, шеър ўқиса, қишлоқ кексалари «кўз тегмасин», дейишарди. Матбуотдаги чиқишларини интиқлик билан кутишарди.

Уйчи туман ҳокимининг муовини сифатида ижтимоий-сиёсий, маърифий ишларга бош бўлди. 90-йилларнинг бошларида вилоят газетасида эълон қилинган «Абадият дарахти» номли чиқиши юксак маънавиятгина нурли келажакка элтади, деган хулосани бериши билан оғизга тушди. ЎзХДП Уйчи туман кенгашининг биринчи котиби вазифасида ҳам ғайрат билан ишлади. Ҳурмат-эътибори ошди. Беруний номли жамоа хўжалигини бошқарганда хўжалик қолоқликдан илғор жамоа хўжалиги даражасига кўтарилди.

Унинг фаолияти серқирра. Айни пайтда у республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси вилоят бўлимини бошқармоқда.

— Депутатлик мартаба, мавқе ёки мансаб эмас, у том маънодаги фидойилик билан тинмай беҳаловат ишлаш учун бериладиган шаҳодат. Мен мабодо, ана шу шаҳодатга муяссар бўлсам умидвор халқимнинг парламентдаги юзи, кўзи, сўзи, Юртбошимиз ғояларининг эса халқ ичидаги фаол тарғиботчиси сифатида ҳалол хизмат қиламан. ЎзХДП, яъни истиқлолнинг тўнғич сиёсий кучи — бунёдкорона сиёсий ҳаракатлар штабининг ҳаётий ғоялари йўлида самарали фаолият кўрсатаман, — дейди унинг ўзи.

ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

1999 йил 5 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ИСМОИЛОВ Нурдинжон Муйдинхонович

96-Бахт сайлов округи

Нурдинжон Исмоилов 1959 йилда Учқўрғон туманида туғилган. Ўзбек. 1980 йили Тошкент давлат университетини тамомлаган. Мутахассислиги—ҳуқуқшунос.

Меҳнат фаолиятини Янгиқўрғон туман прокуратурасида бошлаган. Сўнг Чуст, Учқўрғон туманлари ва вилоят прокуратурасида масъул лавозимларда ишлади, беш йил Уйчи туманига прокурорлик қилди. 1989-1995 йилларда Наманган вилояти ҳокимлиги адлия бошқармасини бошқарди.

Нурдинжон Исмоилов биринчи чақириқ Олий Мажлис депутатлигига Наманган вилояти 96-Уйчи округидан сайлангач, Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. Унинг билими, фикр доирасининг кенглигини, изланувчанлиги ва ташкилотчилигини ҳисобга олиб, 1996 йил августида парламент аъзолари мазкур қўмита раиси этиб сайладилар.

Ўтган давр мобайнида шу соҳага доир қабул қилинган кўплига қонун ҳужжатлари лойиҳа ҳолатидан то шакл ва сайқал топиб сессия тасдиғидан ўтгунга қадар ҳамма жараёнлар унинг бевосита иштирокисиз бўлмаганлигини албатта, айтиб ўтиш лозим.

Н. Исмоилов мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг, адолатли ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришда негиз бўлган қонун ҳужжатларининг фаол тарғиботчиси. Ўз ихтисослиги бўйича турли илмий ва амалий анжуманлар, шу жумладан, халқаро анжуманларда ҳам унинг тарғиботчилик салоҳияти сезилиб туради. Ўз маърузаларида тадбир қатнашчиларини Ўзбекистон қонунчилигидаги ибратомуз натижалар билан таништириш баробарида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан ҳам ўз мулоҳаза ва изланишларини баён этади.

Ҳуқуқ муаммоларига илмий ёндашиш уни шу соҳада самарали изланишлар олиб боришга ундади. Шу йил у юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияни муваффақиятли ёқлади.

УБАЙДУЛЛАЕВ Хабибулла

98 - Норин сайлов округи

Пайғамбаримиз ҳадисларида яхшиликни чеҳраси очиқ кишилардан кутинглар, дейилган. Дарҳақиқат, кулиб турган кишининг иши ҳам ҳамиша олға босади.

Хабибулла ака 1947 йили Норин туманининг Пахтақишлоғида туғилган. Наманган давлат педагогика институтида олий маълумот олгач, мактабда ўқитувчи, директор бўлиб ишлаган. Туман халқ таълими бўлими мудири, туман ҳокимининг ўринбосари, биринчи ўринбосари вазифаларида ишлаган чоғларида эса ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими устида жон куйдирди. Тўрт йил вилоят халқ таълими бўлимига раҳбар бўлди. Кейинги икки йилдан бери Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши саркотиби.

Куйди-пишдилик, жон куйдириб ишлаш қон-қонига сингиб кетган. Хабибулла акани таниганлар камсуқум, камтаринлигига тан беришади. Айни одамийлик унга обрў келтирмоқда.

Зеро, унинг ҳислати шу: бир ишга киришдими, бажармагунча қўймайди. Шу боис юртдошлари Хабибулла акага умид билан қарашмоқда.

ХАЛМУХАМЕДОВ Уткур Ачилович

100-Янгиқўрғон сайлов округи

Оллоҳ ҳамиша инсоннинг интилишлари, орзу-истакларига яраша аъмол, маслак ато этади.

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида таваллуд топган Уткур ака ҳам ҳаётда ҳамиша интилиб, эзгуликларни дилига жо этиб яшайди.

1971 йили ўрта мактабни тамомлаган Уткур ишлаб чиқаришда чиниқди. Собиқ Иттифоқнинг қаттиқ қотишмалар илмий текшириш институти Чирчиқ филиалида оддий ишлади. Бир йиллик заҳматли меҳнат Уткурни ҳаётга теран қарашга ўргатди. 1973 йили Тошкент давлат университети кундузги бўлимига ҳужжат топширди.

Диплом олган йиллари Тошкент давлат тиббиёт институтида ўқитувчилик қилди. Амалиётда кўзи пишгани сабаб бўлдими, ишқилиб яна ишлаб чиқаришга қайтди. Роса ўн йил Ўрта Осиё ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Ўзбекгазқурилиш» трестида молия бўлими бошлиғи, бошқарув раисининг иқтисод масалалари бўйича муовини вазифасида ишлади.

Кейинги икки йилдан бери республикамиздаги йирик, айни вақтда халқимизнинг фаровон турмуш кечиришига бевосита дахлдор идорага мутасадди, «Ўзбекгазсувқурилиш» очиқ турдаги акциянерлик жамияти раиси. Бир сўзли, айтган гапининг уддасидан чиқишга одатланган раҳбар ташаббуси билан кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда.

ЭРГАШЕВ Исмаилжан Агзамович

97-Учқўрғон сайлов округи

Эркак киши дадил бўлса, гапининг уддасидан чиқса субутсизликдан йироқ бўлади.

Исмаилжан ака мижғовликни ёқтирмайди. Мўлжални олдими ўша иш битгунча кўнгли тинчимайди. «Сельхозтехника» Учқўрғон туман бўлимида 9 йил раҳбар бўлганидаям, беш йил шаҳар ҳокими бўлиб ишлаганидаям бу хислатини тарк этмади. Шиддаткор Исмаилжан акани шу боис учқўрғонликлар ҳурмат қилишади. Туман марказига газ олиб келиш, «Ниҳол» сиҳатгоҳининг очилиши, бозорнинг қайта қурилиши, шаҳар ҳудудининг кенгайишини улар шу киши номи билан боғлашади.

1994 йили иш ҳақига ҳам пули қолмаган «Қўғайтаъмирлаш» акциянерлик жамиятига ишга ўтган Исмаилжан ака онаси — саксондан ошган Майрамхон аядан дуо олиб иш бошлади. «Илоҳим юзинг ёруғ бўлсин...»

Дуо ижобат бўлди. Ишлар юришди, янги ихтирочилик таклифлари ишлаб чиқилди, амалда ижросини топди. Дастлабки пайтда ногиронлар аравачасидан тортиб электроду велосипедларгача ишлаб чиқарилди. 1995 йили плёнка остига чигит экадиган сеялка ихтиро қилиниб, 404 та тайёрланди. Ғўзапоя орасига галла экадиган сеялка яратилганда жамият доврўғи оғизга тушди. Ташкилотга пул оқиб кела бошлади. Газ, электр идоралари ҳозир ташкилотдан қарздор.

Шу йили «СамКочавто» қўшма корхонаси билан ҳамкорликда ёнилғи ташиш машиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Туркиялик ишбилармонлар 1 тонна сиғимли сут ташиш машиналарига буюртма бериб туришибди. Тиниб-тинчимайдиган Исмаилжан ака ўтган йили вилоят далаларида ишлатилган плёнкаларни йиғдириб, полиэтилен қувурлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Илло, шунча ишга улгурган Исмаилжан акани сайловчилар, депутатликни ҳам жойига қўяди, деб ишонч билдиришмоқда.

КАЗАКОВ Алимжон Маматжонович

99-Чортоқ сайлов округи

1990 йил эди. Алимжон Казаковнинг Беруний номидаги мукофотга сазовор бўлганлиги ҳақидаги хабар Чортоқда ҳаммани бирдай қувонтирди. «Яшавор ота ўғил, ўзиям жа муносиб-да», дейишди.

1976 йилда Самарқанд давлат университетининг химия факультетини тамомлаган Алимжон собиқ минерал сув қуйиш заводида фаолият бошлаган. Кейин Наманган яхна ичимликлар комбинатида тажриба тўплаган йигитни Чортоққа қайтаришди. Комбинатнинг Чортоқдаги филиалида аҳвол мушкул эди.

Алимжон мавжуд ҳолатни таҳлил қилиб, фақат маъданли сув қуйиш билангина чекланса аҳвол ўзгармайди, деган тўхтамга келди. Республика озиқ-овқат саноати илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда заводда чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқарувчи турдош корхоналарга аралашмалар тайёрлашга киришилди. Чекилган заҳматлар натижа берди. Қолоқ корхона ўрнида республикада ягона озиқ-овқат комбинати вужудга келди. «Райҳон», «Чортоқ» ёрлиқли салқин ичимликлар, гулҳайри япроқларидан тайёрланган табиий бўёқ, бир неча турдаги аралашмалар бозорни эгаллаб бормоқда.

Изланишлари натижасида 1991 йил Москвада ачитқи моддалар технологияси мавзуида илмий ишни муваффақиятли ёқлаб, техника фанлари номзоди илмий даражасига эришди. Бугун у раҳбарлик қилаётган корхона «Роҳат» ҳиссадорлик жамияти деб аталади. Йилига 500 тонна узум қайта ишланиб, ички бозорга «Ўзбекистон» виноси берилмоқда. Бежирим ПЭТ идишларида қадоқланган «Райҳона» спиртли ичимликлар ва маъданли сувлар харидоргир бўлмоқда.

ҚУРБАНБАЕВ Нематилла

101-Заркент сайлов округи

Нематилла ўттиз йил олдин ўзи туғилиб ўсган Заркент қишлоғида оддий ишчи эди. Деҳқоннинг, боғбоннинг заҳматини татиб кўрган, синчков, кўрганини зеҳнига жойлаб оладиган йигитча эди. Мана бугун «Наманганмевасабзавот» вилоят ҳудудий бирлашмаси раиси.

Эҳ-ҳе, бунгача... Янгиқўрғон туман ёшлар ташкилотига раҳбарлик, туман партия қўмитасида қишлоқ хўжалик бўлими мудири, тумандаги энг қолоқ хўжаликлардаги фаолият...

«Гулшан» хўжалиги 1985 йилда қолоқлик ботқоғида эди. Экин ерлари адирликларда, сув йўқ ҳисоби. Нематилла ака хўжаликка етти йил раҳбар бўлди.

Ишлайдиган, қолоқ хўжаликни оёққа турғизадиган раҳбарни «тинч» қўйишармиди. Н. Қурбанбаевни иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволда қолган «Туркистон» хўжалигига раисликка ўтказишди. Яна изланиш, халқ билан тиллашиш, фидокорона меҳнат бошланди. Беш йилда хўжалик вилоятга донг таратди. Раис голландияликлар билан ҳамкорликда картошка етиштиришни йўлга қўйди. Ҳар гектар ердан 33 тоннадан ҳосил олинди.

1996 йили Нематилла ака бошқа хўжаликка ўтди. У икки йилда Д. Сатторов номли хўжаликни ҳам бойитди.

Нематилла акани билганлар — камсуқум, ғайратли, изланишдан тўхтамайдиган инсон, деб таърифлашади.

Икки йилдирки, у вилоятдаги йирик бирлашмага раҳбар. Вақтни бекорга ўтказмайдиган Нематилла ака бу соҳада ҳам анча иш қилишга улгурди. Янгиқўрғон туманидаги олма, узум шарбати — «Тип-тип» ишлаб чиқарадиган қўшма корхонанинг ишга тушиши ҳам Н. Қурбанбаев ташаббускорлиги, вилоят ҳокимлигининг ёрдами туфайлидир.

УСМОНОВ Талъат Субхонкулович

102-Боғишамол сайлов округи

Умрининг қирқинчи баҳорини қаршилаётган Талъатнинг болалиги ва ёшлиги Самарқанд шаҳрида кечди. Ўрта мактабни тугатгач, «Гелион» заводида ишлади. Самарқанд давлат меъморчилик ва қурилиш институтида таҳсил олиб, қурилиш ташкилотларида фаолият кўрсатди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати этиб сайланди ва Олий Мажлиснинг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш қўмитаси котиби, кейинчалик эса қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги қўмитаси котиби лавозимларида фаолият кўрсатди.

— Қўмита томонидан уй-жой кодекси ва учта қонун тайёрланиб Олий Мажлис сессияларида қабул қилинди, — дейди Талъат Усмонов. Шулардан бири «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги Қонун бўлиб, у Олий Мажлиснинг IV сессиясида қабул қилинди. Мазкур Қонун шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари мажмуини ривожлантиришни шакллантиришга, ҳудудий ва бошқа архитектура-шаҳарсозлик ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган.

Фуқароларнинг мурожаат ва хатларига эътибор қўмита ишида муҳим ўрин тутади. Чақириқ бошидан буён 75 та қабул ўтказилиб, фуқароларнинг 120 та хат ва мурожаатлари кўриб чиқилди. Тегишли тадбирлар белгиланди ва амалга оширилди.

Қўмита йил сайин ўз фаолиятини давр тақазосига кўра такомиллаштириб бормоқда. Бунда Талъат Усмоновнинг ўрни албатта салмоқли.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

ЮСУПОВА Гульрух Насруллаевна

105-Сўғдиёна сайлов округи

У Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. Олий маълумотли. Ихтисоси филолог-ўқитувчи.

Гульрух Насруллаевна Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни битиргандан сўнг Самарқанд давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирган.

Иш фаолиятини 1978 йили Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг тиллар кафедрасида ўқитувчиликдан бошлади. Сўнг агросаноат комплекси касаба уюшмаларининг Самарқанд шаҳар қўмитаси раиси ўринбосари, вилоят ҳокимлигининг маданият ишлари бошқармасида кадрлар ва умумий бўлим бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатган.

Ҳозир Гульрух Юсупова «Гулрух-Ю» ихтисослашган хусусий фирмасининг директори бўлиб ишлаб келмоқда. У жамоат ишларида фаолдир. «Давлат тили ҳақида»ги қонунни жойларда амалга оширишга ҳисса қўшмоқда. Унинг ташаббуси билан «Ўзбек тили», «Ўзбек тилида иш юритиш», «Лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбоси» курслари ташкил этилган эди. Шу йил февраль ойидан эса маҳаллаларда унинг ташаббуси билан бепул курслар ташкил этилди. Бу курсларга 14 ёшдан юқори бўлган мактаб ўқувчилари жалб этилди. Шу пайтгача Гульрух Насруллаевна 68 та корхонада юқорида тилга олинган курсларда машғулот ўтди. Жами ўқувчилари сони 8 мингга етай деб қолди.

ЗИЯЕВ Нуманжон Асадович

108-Жомбой сайлов округи

Ўқитувчилик касби машақатлилиги билан бирга, масъулиятли касб саналади. Нуманжон ака Жомбой қишлоғида таваллуд топган. Иш фаолиятини шу ерда бошлаган. Сўнгра Самарқанд давлат университетининг математика факультетини имтиёзли тугатиб, ўзи билим олган мактабда ўқитувчи сифатида фаолият кўрсатди.

Ҳаётда шундай бахтли кунлар бўладики, ўқитувчининг қадри ўзи таълим берган ёшлар уни устоз сифатида ардоқлаб, қўлини кўксига қўйган паллада билинади. Дарахт бир жойда кўкаради, деган нақлга амал қилди, бу инсон. Ёшларнинг таълим-тарбия ўчоғи бўлган мактабда ўқиш-ўқитиш тизимини тубдан яхшилаб, вилоят миқёсида обрўли ўрин олишнинг ўзи бўлмайди. Ундаги камтаринлик, камсуқумлик, инсонларга бўлган фидойиликни ҳар дамда сезиш мумкин. Ўз жамоаси, қолаверса туман, вилоят халқ таълими ходимлари унинг бу хислатларига тасанно айтишади.

1991 йилда биринчилардан ЎзХДП аъзоси бўлган Нуманжон ака анча йиллардан буён бошланғич партия ташкилотининг котиби сифатида сафдошлари орасида фаол иш юритмоқда. 1997 йилда у «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» нишони билан тақдирланди.

ЙЎЛДОШЕВА Гулнора Ботировна

103-Усмон Юсупов сайлов округи

Самарқанд шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида туғилган Гулнора Йўлдошева мактабни олтин медаль билан тугатди. Сўнгра Тошкент тўқимачилик институтига ўқишга кирди. Институтни ҳам аъло баҳолар билан битирди.

Меҳнат фаолиятини Тошкент тўқимачилик комбинатида смена устаси вазифасидан бошлаган. Меҳнатсевар ва тиришқоқ Гулнора Ботировна 1962-65 йилларда фабрика директори лавозимида фаолият кўрсатди.

Сўнг у Самарқанд трикотаж фабрикасида бош муҳандис, 1969-72 йилларда эса Тошкент шаҳридаги «Учқун» тўқимачилик-атторлик моллари корхонасининг директори бўлиб ишлади.

Гулнора Йўлдошева 1975-86 йилларда Тошкент вилоят ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимида, кейинчалик унинг ижтимоий таъминот бўлимида пенсиялар ва нафақаларни ҳисоблаш марказининг бошлиғи сифатида фаолият кўрсатди.

1993 йилда «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг раислигида иш бошлаб, 1995 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси лавозимида меҳнат қилиб келмоқда. У бир неча бор халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг депутати бўлган. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайланган.

Самарали меҳнатлари учун у медаллар, Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. «Дўстлик» орденига сазовор бўлган. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонига эга.

ТАШЕВА Татьяна Мажидовна

106-Темирйўл сайлов округи

Татьяна Бухоро вилоятининг Ғиждувон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган.

У ёшлигиданоқ ғайратчанлиги билан ажралиб турарди, яъни мактабдаёқ ёшлар ташкилотига етакчилик қилган. Мактабни олтин медаль билан тугатгандан сўнг Алишер Навоий номли Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетига ўқишга кирди. Бу ерда ҳам у ёшлар ташкилотига етакчилик қилди. Диплом олгач, 1975 йилда Самарқанд туманидаги 96-ўрта мактабда математика ўқитувчиси бўлиб ишлади. Сўнгра шу мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари бўлди. 1982 йилда эса 36-ўрта махсус техника билим юртининг ўқув бўлим бошлиғи. 1983 йилдан бошлаб у ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасида ишлади.

Татьяна Мажидовна 1988 йилдан ҳозирга қадар Самарқанд енгил саноат коллежи директори лавозимида ишлаб келмоқда.

У меҳнат фаолияти давомида жамоа аъзолари ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан республикамизда биринчилар қаторида у ишлаётган техникавий лицей Самарқанд саноат касб-ҳунар коллежига айлантирилди. У самарали меҳнати учун «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

МАНСУРОВ Баходир Амирович

109-Иштихон сайлов округи

У тумандаги 8-мактабни битиргандан сўнг, Иштихон пахта қабул қилиш пунктида оддий ишчи бўлиб ишлади. Сўнг ҳарбий хизматда бўлди.

1976 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетига ўқишга кирди. Уни битиргач Иштихон туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида агроном бўлиб ишлади. Шу жамоа хўжалигининг касаба уюшмасига етакчилик қилган.

1988 йилда у туман партия қўмитаси қишлоқ хўжалик бўлимининг йўриқчиси сифатида фаолият кўрсатган.

1988-95 йилларда «Ўзқишлоқхўжаликкимёси» ишлаб чиқариш бирлашмасида раис ўринбосари, сўнгра раиси бўлиб ишлади.

1995-97 йилларда эса туман агросаноат уюшмасига раислик қилди.

Б. Мансуров 1997 йилдан ҳозирга қадар А. Бердиқулов номли жамоа хўжалигининг раиси бўлиб ишлаб келмоқда.

У Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзосидир.

РАХМАНКУЛОВ Азим

104-Сиёб сайлов округи

Азим Рахманкулов 1991 йилдан буён Самарқанд шаҳар «Алпомиш» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бош директорининг ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. Олий маълумотли.

Азим Рахманкулов 1956 йилда Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманидаги Даҳбед қишлоғида туғилган. 40-ўрта мактабни тамомлагандан кейин 72-ҳунар-техника билим юртида ўқиган. Сўнгра бир йилча ғишт терувчи бўлиб ишлаган. Ҳарбий хизматдан қайтгач яна ғишт терувчилигини давом эттирди.

1980-1989 йилларда 3-монтаж таъмирлаш-қурилиш корхонасида муҳандис, гуруҳ раҳбари ва етакчи муҳандис бўлиб ишлади.

Олий маълумотли қурувчи муҳандис ўз касбини пухта эгаллаган. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси сифатида у жамоат ишларида ҳам фаолдир. Жамоадагилар уни ўз ишининг билимдони деб билишади. Оддий ишчи-деҳқон оиласида туғилган Азим Рахманкулов ўз зиммасига қандай топшириқ юклатилмасин, уни тўла-тўкис бажаришга одатланган.

УМАРОВ Шавкат Хабибович

107-Булунғур сайлов округи

У 1955 йилда Самарқанд вилоятининг Ғаллаорол туманида туғилган. Олий маълумотли, ихтисоси — муҳандис-конструктор-технолог.

Шавкат Хабибович 1998 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон радиоэлектроника, электротехника ва асбобсозлик саноати корхоналари уюшмасининг раиси бўлиб ишламоқда.

1979 йили у Ленинград электротехника институтини тамомлаган. Рус, инглиз ва немис тилларини яхши билади. Олий маълумотли ёш мутахассис радиоэлектрон қурилмалар лойиҳачиси-технологи сифатида 1985 йилгача Термиз шаҳрида янги ташкил этилган Тула «Октава» заводининг филиали бошлиғи бўлиб, сўнг директори бўлиб ишлади. 1985 йилдан эса Ленинград «Авангард» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент филиали биринчи тоифали технолог-муҳандиси, илмий текшириш бўлими бошлиғининг ўринбосари бўлган пайтда унинг қобилияти янада ёрқинроқ кўринди.

1986 йилдан бошлаб у янги қурилаётган Тошкент «Зенит» заводи касаба уюшмаси қўмитасининг раиси, бош муҳандис ўринбосари, бош муҳандиси, директори лавозимларида фаол меҳнат қилди. 1993 йилда корхона негизида ташкил этилган Тошкент «ЎзДЭУэлектроника» ўзбек-корея қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш бўйича директори лавозимида фаолият кўрсатди. Шавкат Умаров 1993-94 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси машинасозлик, кимё ва металлургия бўлими шўъбасининг мудири этиб тайинланди. 1994-96 йилларда эса у Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг ташкилий- кадрлар сиёсати масалалари бўйича консультанти бўлиб ишлади.

1996-1998 йилларда Ш. Умаров Самарқанд вилоят ҳокимининг саноат, савдо ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатди.

СУЛТАНОВ Шокир Куванович

110-Каттақўрғон сайлов округи

У Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини битиргандан то шу бугунгача ёшлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ёшлар билан ишлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши учун йўл-йўриқ кўрсатиб, ҳалол меҳнат қилишга ундаши Шокирга хос фазилат.

— Келажак ёшлар қўлида, улар ҳар доим катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлиши даркорлигини уқтириб келаман ва уларни шунга даъват қиламан. Президентимизнинг ёшлар бизнинг келажагимиз, улар билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган ўтли ва доно гапларини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Шокир бугун ёшлар орасидан отилиб чиққан йигитлардан, инглиз, рус тилларида бемалол гаплаша олади.

Шокир Султанов Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси Каттақўрғон шаҳар бўлими раиси, ХДП аъзоси, 2 нафар фарзанднинг севимли отаси.

Республика Олий Мажлиси депутатлигига номзоди қўйилган бу йигитнинг ҳали қиладиган ишлари кўп. Она юртимиз, жамиятимизнинг тараққиётига астойдил хизмат қилишига ишонамиз.

Сахифа материалларини Алимкул СУЛТОНОВ, Махмуджон ПАРПИЕВ ва Абдуғани МАМАСОДИҚОВлар тайёрлашди. (Давоми бор)





Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифидан, ҳар икки томонлама дўстлик, ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишидан мамнунлигимизни изҳор этамиз.

Дўст мамлакатлар раҳбарлари ташриф доирасида олиб борган музокаралар ва кўп томонлама ҳамкорлик ҳақида имзоланган ҳужжатлар давлатлараро муносабатларни юқори даражага кўтаришига аминмиз. Хитой Халқ Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб юртимизнинг гуллаб-яшнашига, иқтисодий ривожланишига хизмат қилишига ишончимиз комилдир.

«Ривож-Тяньжин»

Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси

Андижон вилояти, Шаҳрихон шаҳри

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Равшан ШОДИЕВ*, навбатчи *Шукур ЖАББОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 16.732 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0897

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.35
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ДУШАНБА 22

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
8.40 Лирик тароналар.
9.10 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Елғончилар қасри». Мультфильм.
10.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.40 Кундузги сеанс: «Диққат, тошбақа!» Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.35 Б.Назаров. «Ғафлат». Теленовелла.
13.15 «Сарҳисоб». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.10 «Баркамол авлод орзуси».
14.35 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши «Шарқ зарчашмаси».
14.50 «Изҳор». Мусиқий дастур.
15.35 «Сирдошим».
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Ўзлигинг намоён қил!» Экранда - Тошкент вилояти.
16.35 «Кўр музикачи». Бадиий фильм.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 «Ҳа, Ҳа, Ҳа...» Ҳазил, Ҳажв, Ҳангома.
18.30 «Маслак ва мақсад». «Ватан тараққиёти» партияси.
19.00 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари
20.30 «Ахборот».
21.05 «Сайловчи минбари».
21.25 «Барҳаёт сиймолар». Ф.Мамадалиев.
22.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
22.25 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 100-қисм.
23.15 «Маънавият» дастури.
00.05 «Ахборот».
00.35 «Оила сирлари». Бадиий фильм.
02.00-02.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Спорт майдончаси», Мультфомоша)
18.35 «Ёшлар ва сайлов».
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Давр-интервью»
19.50 «Олтин мерос».
19.55 «Ёшлар» телеканалида.
20.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
19.30, 20.20, 20.50, 22.30 Эълонлар.
20.25 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
20.55 Футбол. Осиё Кубоги саралаш турнирида.
21.10 Мен овоз бераман.
21.15 «Дастхат». Равшан Комилов.
21.35 Дунёга ўйл.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 Британ-Американ Тобако; Ўзбекистон диёрида 5 йил.
22.40 «Муҳаббат қаҳраси». Телесериал.
23.25 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
Футбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
00.55 «Тонг юлдузи».

ТНТ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.05 «Телефакт».
19.15 Эфирда-»Ватан тараққиёти» партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 87-серия (якунловчи)
20.10 «Бурч ва маъсулият».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.45 «Сиз соғинган наволар». Э.Жалилова.
22.20 «Бахмал». Телефильм.
22.45 «Индаба». Телесериал. 13-серия.
23.10 «Кўзгу».
23.45 «Спорт-тайм».
00.10 Оҳанглар ва эълонлар.
00.20 Кинонигоҳ, «Дарбадар автобус».
01.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4ТВ
РЖТ
7.30-9.00
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
16.40 «Тотли оғу».Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал премьераси (Австрия-Германия)
18.50 «Сиз кутган учрашув».
19.05 «Ит уяси». Телесериал.
19.30 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
19.40 «Будулайнинг қайтиши». Сериал. 2-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Дил изҳори».
22.00 «Махфий ҳужжатлар» (X-files)
23.50 Клип-антракт.
24.00 «Вести».
00.30 «ТВ -4 да Немис тўлкини».
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
01.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!», Тележурнал.
16.50 «Узурпатор аёл». Телесериал (Венесуэла).
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Рэкет». Криминал сериал (Италия).
24.00 Мусиқий-дам олиш дастури.

СЕШАНБА 23

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 100-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 Кундузги сеанс: «Бу ерда бегоналар юрмайди». Бадиий фильм.
11.35 «Бешбармоқ». Тележурнал.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Сайловчи минбари».
12.25 «Маънавият» дастури.
13.15 «Уйғоқ қўлар». Кинокўрсатув.
13.35 «Ўзбекистон диёрим». Мусиқий дастур.

«Умид» намойиш этади:
14.10 «Ўз касбининг усталари».
14.20 «Талабалар саҳнасида».
14.45 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Буюк ипак йўли. Бахши».
15.05 «Қишлоқ ҳаёти».
15.30 Қуйлардан қўшиқларга.
16.00 «Фотима». Бадиий фильм.
17.35 «Элга кирсанг, элдек бўл»
18.10 Болалар учун. «Гулғунчалар».
18.30 «Маслак ва мақсад». Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази.
18.45 «Зилол». Мусиқий дастур.
19.00 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Теледебатлар.



21.00 «Ёшлар овози».
21.25 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 «02-тўлқинида».
21.45 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳраси». Телесериал.
23.15 «Агарда солиқчи келса?»
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Теннис.
00.40 «Шарқ эстрадаси».
01.00 «Янги тонг».

ТНТ

17.55 Кўрсатувлар дастури.

4ТВ
РЖТ
7.30-9.00
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Сайловлар ва биз». «Ватан тараққиёти» партияси.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Дил изҳори».
18.55 «Сени излайман».
19.40 «Будулайнинг қайтиши». Сериал. 3-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Ит уяси». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22:30 «Вести».
23.00 «Спорт-клуб».
23.15 Кинематограф: «Кардобалет». Бадиий фильм.
01.10 «Ахборот» (рус тилида)
01.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал (Бразилия).
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Узурпатор аёл». Телесериал.
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусиқий дастур.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Рэкет». Криминал сериал.
24.00 Мусиқий-дам олиш канали.

ЧОРШАНБА 24

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Мусиқа билан сирлашиб». Мусиқий дастур.
9.15 «Оқ қарқара». Мультфильм.
9.35 «Инсон - ҳаёт гултожи».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Севимли созим».
10.35 Кундузги сеанс: «Бор экан-да , йўқ экан». Бадиий фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 Теледебатлар.
12.45 Ўзбек куйларидан концерт.
13.15 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
13.30 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
14.10 «Мухлис ёхуд кўшиқ изидан». Мусиқий дастур.
14.40 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Ўсимликлар дунёси».
14.50 «Талаб ва таклиф».
15.10 «ТВ ва социология».
15.30 «Жаҳон спорти».
15.40 «Вақтинг кетди...»
16.00 «Шаҳар таронаси». Бадиий фильм.
17.35 «Ифтихор».
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 «Кичкинтоймиз, гижинг-тоймиз»
18.25 «Ўтмишдан садолар»
18.40 «Мулкдор».
19.00 «Эл тинчлиги йўлида».
19.00, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Сайловлар ва биз». Телекўприк.
21.45 «Дил тароналари». Концерт.
22.05 «Қонун ва биз».
22.35 «Ойдин боғ».
22.55 «Умид» сафарда.
23.25 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 101-қисм.
00.15 «Ахборот».
00.45 «Омад ҳамиша келавермайди». Бадиий фильм.
02.00-02.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Кувноқ учрашув», Мультфомоша)
18.40 «Ракслар қанотида».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Давр-интервью». Сайлов ва биз.
19.50 Ёшлар куйлайди.
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Лаззат».
19.30, 20.30, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Далил ва шарҳ». Менинг номзодим.
20.50 «Ракурс».
21.10 Мусиқий лаҳзалар.
21.15 «Эркин фикр». Теледебат.
21.45 Мусиқий лаҳзалар.
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 «Каталог».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳраси». Телесериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Интерфутбол.
00.45 «Хит-коллекция».
01.05 «Хайрли тун!»

ТНТ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.05 «Осойишталик посбонлари».
19.15 Эфирда-Ҳокимият вакиллик органлари.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 2-қисм.
20.15 «Чоршанба-муродбахш кун».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.45 «Маржон».
22.10 «Мусоҳаба».
22.20 «Қизилўнгач казарка». Телефильм.
22.45 «Индаба». Телесериал. 15-серия.
23.10 «Моҳир».
23.45 «Хайрли оқшом».
00.15 Оҳанглар ва эълонлар.
00.25 Кинонигоҳ. «Лигурия воқеаси».
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4ТВ
РЖТ
7.30-9.00
15.05-16.05 Туркия телевидениеси

16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Сайловлар ва биз». «Ватан тараққиёти» партияси.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Дил изҳори».
18.55 «Инсон ва қонун».
19.40 «Будулайнинг қайтиши». Сериал. 4-серия.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Ит уяси». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22.30 «Вести».
23.00 «Океан ортига саёҳат.
Япония».
23.15 Кинематограф: «Ғаройиб бомба». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 «Эсдалик учун дастхат». Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Узурпатор аёл». Телесериал.
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «30-канал»да премьера. «Федерал полиция». Детектив сериал (Австралия).
24.00 Мусиқий-дам олиш канали.

Диққат:

«Кўпкари — улоқ»



Истиқлол ўзлигимиз, урф-одатларимиз қаторида барча миллий ўйинларимизни ҳам қайтариб берди. Ўзимизни, ўзбеклигимизни, Ўзбекистон эканлигимизни жаҳонга танитаяпмиз. 27, 28, 29-ноябрь кунлари «Кўпкари-улоқ» бўйича бўлиб ўтадиган Халқаро турнир ҳам сўзимизнинг исботидир. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон от спорти федерацияси, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ҳамда «Осиё бозори» газеталари ташаббуси билан амалга ошаётган Халқаро турнир Навоий вилояти Навоий туманининг маркази Исломободда бўлиб ўтади.

Армонда қолмай десангиз, кўпкарига шошилинг!

Ташкилий қўмита

Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасида рўйхатга олинган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 401, 701-хона мухрлари

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси Хоразм вилояти партия кенгаши биринчи котиби Ғ. Н. Машариповга рафиқаси

Ҳалима САЙДАМАТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги рахбарияти ва шахсий таркиби Тошкент вилояти Янгиобод шаҳар Ички ишлар бўлими бошлиги, милиция подполковниги

Валерий Алексеевич ГОВОРУХИН,

унинг 1-ўринбосари, милиция майори

Бахтиёр Адилович ПЎЛАТОВ,

ИИБ милиция қидирув хизмати жиноят қидирув гуруҳининг катта тезкор вакили, милиция майори

Абдумаҳмуд Сативолдиевич КАРАБАЕВларнинг

қуролланган хавфли жиноятчиларга қарши курашишда мардларча ҳалок бўлганликлари муносабати билан уларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жамоаси Тошкент вилояти Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлими бошлиги, милиция подполковниги

Валерий Алексеевич ГОВОРУХИН,

унинг биринчи ўринбосари, милиция майори

Бахтиёр Адилович ПЎЛАТОВ,

ИИБ жиноят қидирув гуруҳининг катта тезкор вакили, милиция майори

Абдумаҳмуд Сативолдиевич КАРАБАЕВларнинг

қуролланган хавфли жиноятчиларга қарши курашишда мардларча ҳалок бўлганликлари муносабати билан уларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

21.45 «Саньаткор-саодати». Мусиқий дастур.
22.15 «Тарихнинг тилсиз гувоҳлари».
22.45 «Ўзлигинг намоён қил!» Экранда - Навоий вилояти.
23.15 «Ҳамкорлик ришталари».
23.35 «Ахборот».
00.05 «Четта оғиш ноль». Бадиий фильм.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 100-қисм.
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 «Давр-интервью».
19.50 «Газал соғинчи».
20.10 Парламент.
19.30, 20.25, 21.00, 23.40 Эълонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Ит уяси». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22:30 «Вести».
23.00 «Остонаси тиллодан».
23.30 «Ахборот».
23.45 «Ўтмишдан садолар».
00.00 «Мулкдор».
01.10 «Эл тинчлиги йўлида».
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Кичик сеньорита». Телесериал (Бразилия).
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Узурпатор аёл». Телесериал.
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусиқий дастур.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да кинооқшом.
23.15 «Рэкет». Криминал сериал.
24.00 Мусиқий-дам олиш канали.

ТНТ

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.05 «Осойишталик посбонлари».
19.15 Эфирда-Ҳокимият вакиллик органлари.
19.45 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 2-қисм.
20.15 «Чоршанба-муродбахш кун».
20.25, 21.00 Эълонлар.